

МУЗАФФАР ЖАҲОН

КУЛОҲ ВА ГУНОҲ

(Қиссалар, ҳикоялар, этюдлар)

*Бу Қосим Шайх Азизон, мўъжизаси бир китоб,
Ул Пиру Авлиёнинг бакрлиги кулоҳда.
Макруҳлиги охират, ҳақинда этса хитоб –
Бандаси қолмас эркан икки дунё гуноҳда!*

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2008

Наср ва назмда баравар қалам тебратиш, ҳам шеърлар, ҳам ҳикоя ва қиссалар билан синчков китобхон қалбига кириб бориш игна билан қудуқ қазишнинг ўзгинаси. Навойлик истеъдодли ёзувчи Музаффар Жаҳон ана шундай поэзия ва прозада ўзини синаб келаётган адиблардан. У бу галги янги тўпламини «Кулоҳ ва гуноҳ» дея номлади. Бунинг ўзига хос мазмун-моҳияти бор, албатта. Чунки бу китобда бугунги замон кишилари тақдири, қисмати ўлароқ, ислом дини улуғлари, донишу бақрлари ҳам батартиб қаламга олинган. Ишонамизки, Музаффарнинг бу тўплами ҳам илгарилари каби китобхонларимиз қалбидан чуқур жой олади ва мушоҳадаларга сабаб бўлади.

ISBN 978-9943-08-370-7

© Музаффар Жаҳон. «Кулоҳ ва гуноҳ». «Янги аср авлоди»,
2008 йил

УЛУҒЛАРНИ УЛУҒЛАГАН АСАР

Сермаҳсул шоир Музаффар Жаҳон кенг қамровли, кенг мушоҳадали китобхон қалбини аллақачон ўзига ром этган. Чунки у ўзининг «Саҳро саҳнидаги хазина», «Тошга томган кўз ёши» каби туркум очерк ва ҳикоялардан иборат насрий ҳикоялари билан синчков ўқувчи қалбидан чуқур жой олди. Унинг «Қамариддин ота нидоси», «Нурота нурбулоғи», «Оқ туя минган авлиё» сингари кўҳна тарихимизга оид тарихий дostonлари диққатга моликдир. Музаффарнинг қадимги анъаналарга содиқ ҳолда тартиб берган «Кулоҳ ва гуноҳ» тўплами шубҳасиз илгариги китоблари каби юракка яқин. Чунки бу асар замона зайли, асрлар силсиласи, қўйингки не-не афсунгар авлиёлар, буюк пирлар ижоди, мероси билан уйғундир. Абухолиқ Фиждувоний, Имом ал-Бухорий, Мир Саид Кулол, Мавлоно Ориф Деггароний, Хожа Баҳоуддин Нақшбанддек буюк зотлар, уламолар, пиру авлиёлар улуғ зиёратгоҳи, хонақоҳи, масжиду мадрасаси, муборак саждагоҳини ўнлаб, юзлаб тавоф айлаган, ҳоки-пойини неча бор юз-кўзига суртган Музаффар Жаҳон мазкур янги асарида Карманалик буюк зот, улуғ дин пешвоси, ўз замонасининг етук шайхи, бакри бўлган Қосим Шайх Азизон хусусида ҳикоя қилган. Шунингдек, сиз ушбу китобда муаллифнинг авлиё яшаган ўша давр тарихига, ривоятларига ўта синчковлик билан мурожаат қилган ҳолда таъриф, тавсиф этганлигига гувоҳ бўласиз. Музаффар бир шеърда:

Ҳар кимса бўлолмас бакру авлиё,
Пир ҳам саналмагай билимсиз киши.
Ўтмишки, талотўп, серафсун, рўё,
Жуда ҳам қизиқ-да дунёнинг иши!

дея ўта ҳис-ҳаяжон билан, ажиб бир тўлқинланиш билан ёзади. Дарвоқе, қачонлардир яралган бу кемтик, бири кам дунёнинг

ҳамиша бир чети олағовур, яна бир чети эса ҳодисотга, у ёки бу воқеага тўлиб тошгандир. Ёзувчи бу асарда таъкидлаганидек, авлиёлик, пиру валийлик ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмавермайди. Тошқин дарёни чип боғлайдиган, рўтни тескари оқизадиган, балогардон Хожа Баҳоуддин каби балони, кулфатни даф қиладиган авлиёлар ер юзига юз йилда, минг йилда бир келади.

Ривоят қилишларича, қадимда Бухорои Шариф тамоман ўт орасида қолган. Бутун шаҳар бўйлаб гуриллаган олов биргина оддий ҳалимпаз, ҳалисачи чол қозони устига ёпилган бўйрага тушган бир мисқол чўғдан чиққан. Шу-шу қуюқ тутун, буғ аро қолган кўҳна шаҳар Бухоро номини олган. Бу каби тилсиз ёв, ўт балосини фақат балогардон Баҳоуддин Нақшбанд қайтарган. Шундан бу мўъжизакор хислат эгаси «балогардон» ҳам деб юритилган. Бундай сиру синоат эгасига ҳам Музаффар Жаҳон ўзига хос тарзда таъриф келтиради:

Бир ҳалимпаз чўғидин ёнмиш Бухоро,
Балогардон дуоси-ла халқи омон-хуш.
Энди аталмагай, асло буғ аро,
Шариф шаҳар ўтмиши, бугун фақат туш!

Ё раб, ёқа ушлайсан киши! Ўтмишдошлар орасида сув, ўт каби балоларга тенг келган донишлар, пирлар ўтгани ота-боболаримизнинг чинакам авлиёлигидан, нафаси, дуоси ниҳоятда ўткирлигидан дарак беради. Ёзувчи қаламга олган Қосим Шайх Азизон ҳам ўзи яшаб, ижод этган даврнинг йирик шайхи исломнинг етук намояндаси бўлган. У бутун умрини «Кўҳак» – Зарафшон дарёси ўнг ва сўл соҳили деҳқончилиги, маданияти, ўтроқ, турғун халқ осойиши билан боғлаган. Шайхдаги донолик, ҳар бир воқеани вақтида фикр-зикр этиши, кутилаётган ҳодисотни олдиндан айтиши ҳаммани лол қолдирган. Шайх бетоблигида умрининг поёнида ота қишлоқ – «Дезонота»да (ҳозирги Навбаҳор туманидаги Й.Охунбобоев номли ширкат хўжалиги) бўлган. Музаффар асарда бу каби диний эътиқод зўрайган, халқ биргина исломни деган даврни ўта синчковлик билан қаламга олган ҳамда ранг-баранг эпизодларда ишонарли тарзда очиб берган:

Тилсимотга уйғун бу олам,
Жуда жумбоқ, қачон тузилган?
Шу оламни, деган бу одам –
Турнақатор, бирам тизилган!
Мавҳумоти кўпки мозийнинг,
Синоатин англолмама сира.
Ҳар ким умри қиши-ёзининг,
Тизгинида, дилхуш, дил хира!

Дарҳақиқат, Музаффар битганидек, бирор киши ўз умри қиш-ёзини олдиндан айтиб беролмайди. Бандаси пешонага ёзилганидан қочиб қутулолмаганидек ўз замонаси валийлари, пирлари ҳам тақдир, қисмат ўйинидан айри юролмаган. Мен Музаффар Жаҳоннинг устози, мураббийси сифатида уни бу ноёб асар билан муборакбод этаман. У бу асарида улуғларни улуғлаган, уларнинг хоки-пойини хотирлаган экан, авлиёлар руҳи Музаффарни бир умр қўллайверади!

*Тошўлат АҲМАД,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Бухоро вилояти бўлими бошлиғи*

СҮЗБОШИ

Мен ўзи кимман? Менинг ота-боболарим ким? Улар қайси уруғга мансуб? Етти уруғим таркиби-чи? Шажарам, сулолам, наслу насабим-чи? Худди шу ва шунга ўхшаш саволлар менга асло тинчлик бермайди. Бунинг устига касбим журналист, ёзувчи бўлгани боис авлодларим хусусида ёзиб қолдирмоқ, етти уруғ ҳақида фарзандларим, набираларимга тушунча бермоқни ўзимнинг шарафли бурчим деб биламан. Ана шулардан келиб чиқиб, узоқ изланишлар, сўраб-суриштиришлар натижаси ўлароқ биринчи авлод вакили Худайназар бобонини, у кишининг тўнғич ўғли Шоназар бобони, у кишининг зурриётлари бўлган Қаҳҳор, Шароф ва Жаҳон боболар ҳақида етарлича маълумотга эга бўлдим. Улар ўз замонасининг энг бақувват чинорлари эди. Чуқур илдиз отган чинорлар, қулоч етмас улкан дарахтлар... Улар ҳар қанча кўп, сертана бўлмасин барибир камдек, жуда сийракдек туюлаверади. Зеро, ҳар бир чинор, ҳар қайси кекса гужум битта тақдир, битта мўйсафид чолдир. Чинорлар нафақат тирик тақдир, ўз ўрнида энг қадим тарих, мавҳум ўтмишдир ҳам. Менинг энг улуғ чинорим бу – падари бузрукворим, энг яқин маслаҳатгўйим Жаҳон Шариф ўғлидир. Саксон йиллик умрининг қарийб 60 йилини ўт, сув кечишга, қирғинбарот урушга, эл сиҳат-саломатлигига бағишлаган. Энди илгаригидек суянадиган бақувват, соясида шеър битадиган чинорим йўқ. Шундай экан, ушбу янги китобимни менга суянч, серсоя дарахт бўлган отажоним Жаҳон Шароф ўғлига, унинг ёрқин хотирасига, руҳи покига бағишлайман.

Ҳа, саксонда қулади чинор,
Девбод уриб, бирдан йиқилди.
Чинор эмас, нуради минор –
Томоғимга... азоб тиқилди!

Муаллиф

ҚИССАЛАР

*Молу давлат, ул хазинам йўқ,
Кўз-кўз қилмам маржонларимни.
Қўли очиқ кетсам кўнглим тўқ,
Йиғиштириб анжомларимни.*

*Ҳа, анжомим қалам, қўлёзма,
Деганларим ўғиту хитоб.
Мерос, дебон ер тагин қазма,
Қолдирдим-ку авлодга китоб!*

ТОШДАН ТЕРИЛГАН ТОБУТ

Фоний бу дунёнинг фожиалари, қотилликлари қачон битаркин? Назаримда, тангри бандаси саналган бу одамзод жаҳлга минса, ғазабга қул бўлса борми, ўта ваҳший ҳайвонга айланиб, ҳайвонотдан сира фарқланмас экан. Шу-шу қаерда, қачон бир умр, бир тақдир бевақт хотима топса борми, ойлаб, йиллаб ўзимга келолмайман!..

Аччиқ тақдир, шум қисмат шуми?
Ғунчалайин сўлди бир сулув.
Тоғу тошдан чиққанмиш шими,
Тош тобутда эмиш Ойсулув!

Ойсулув Кармана педагогика билим юртига уч йил деганда зўрға илинди. Биринчи йили 12 балл, иккинчи йили 4 балл етмай қолди. Шу боис учинчи йили амал-тақал қилиб, шартнома асо-сида сиртдан ўқишга қабул қилинди. Сиртдан бўлгани учун бирор корхонада ишлаши мумкин эди. Шунинг учун Ойсулув ҳеч иккиланмай Жалойирдаги Ғофур Ғулом номли 14-ўрта умумтаълим мактабига етакчи бўлиб ишга кирди. Эндигина ишга кирган, тажрибасиз, бунинг устига шумтака болаларга гап уқтириш, уларга йўл кўрсатиб, етакчилик қилиш кўникмаси ҳали унда шаклланмаганиданми, анчагача қийналиб юрди. Худди шу кезларда унга мактаб физика-математика фани ўқитувчиси, мактаб тарбиявий ишлар бўйича директор муовини Асқарбек Қулжонов яқин кўмакдош, маслаҳатчига айланди. Ойсулувнинг мактабдаги кунлик иши, етакчи сифатидаги саъй-ҳаракати Асқарсиз ўтмай қолди. «Бошқа мактаб етакчиларидан иш ўрганаман, туман халқ таълими бўлимига бирор бир йиғилишга бораман», деса ҳам Асқарбек дарров ҳозир у нозир. Роппа-роса уч йил чинакам дўст, яқин маслаҳатдош, қўйингки, устозу шогирд сифатида бақамти бўлиб ишлашди. Худди шу яқинлик аста-секин севгига, муҳаббатга айланди.

Ойсулув кўп ҳолларда хоҳ у дугонасининг туғилган кунига, хоҳ Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройи ёхуд «Сўғдиёна» ўйингоҳидаги бирор бир концертга бўлсин, бундай тадбирларнинг ҳаммасига Асқар билан борар, унинг кажавали мотоциклига ўтириб олиб ўзини ниҳоятда мағрур тутарди. Бу каби бир неча бор такрорланган ҳолни муаллимлари, «Жалойир» қишлоғи одамлари жуда кўп бор кўрган.

Ўқитувчилар, ўқувчилар ёзги таътилга чиқди дегунча Ойсулув паришон бўлиб қолар, ёлғиз қолаётган қўзичоқ каби хўмрайиб оларди. Бир сафар Асқар отаси Қулжон ота бетоблиги боис Тошкентдаги касалхонада унинг олдида бир ойча қолиб кетди. Отасининг аҳволи ёмонлашгач, Тошкентнинг Абдулла Тўқай кўчаси 14-уйда ижарада яшади. Ана шунда Ойсулувнинг бетоқат бўлганини кўринг. У кунора севгилисига хат ёзади. Хати жавобсиз қолса-да, ёзаверади, ёзаверади... Хатларининг мазмуни аксарияти севги-муҳаббат ҳақида, телбасифат, мажнунсифат ишқ ҳақида.

«Асқар ака, отамиз яхшимилар? Ўзингиз яхши юрибсизми? Мен сизни жуда соғиниб кетдим. Соғинчимни амаллаб ушбу мисраларга жойладим. Ишонаманки, шеърим сизга маъқул бўлади:

Айрилиқнинг ўти кўп оғир,
Зил кетди-ку, соғинчдан юрак.
Кутавериб, қийналди бағир,
Айтинг, қанча кутмоғим керак?
Сизни суйиб, соғиниб қолувчи
севгилингиз Ойсулув!»

Бу мактублар, шеърини сатрлар Асқарга ё борар, ё бормасди. Чунки унинг айтарли ҳар кунини, ҳар дақиқаси касалхонага қатнаш, отаси олдида бўлиш билан ўтарди. Зеро, ёши саксонни қоралаб қолган, бунинг устига буйрагидан операция бўлган Қулжон ота бир ўзига келса, бир ўзидан кетиб ётарди. Йўқ, барибир бўлмади...

Отасининг «қирқи» чиққунча Асқар ўзини айтарли Ойсулувга кўрсатмай, олиб қочиб юрди. Йўқ, яна бўлмади. Ўртадаги муносабат, ғойибона ишқ уларни Ойсулув туғилган кунини баҳонаси билан яқинлаштирди. Мактаб жамоаси бир даста гул билан Ойсулувни қутласа, Асқар бежирим француз атири билан сийла-

ди. Ҳатто Навоийдаги «Ширин» қаҳвахонасида обдон меҳмон қилди. Олдиниға шампан виноси, орқасидан ароқ қўйилди. Қарабсизки, бу каби зиёфату зарофатни кўрмаган Ойсулув ўзини Асқарнинг кучоғига отди. Улар шу кечаси шаҳарда қолишди. Тирикчилик илинжида Россияда юрган дўсти Собиржоннинг Навоийдаги икки хонали уйининг калити вақтинчалик Асқарда эди. Улар шу хонадонда қўним топишди. Кўкдаги нурбахш ой мисол танҳоликда қолган икки қалб қовушди. Ойсулув билиб-билмай қилган ишидан қаттиқ изтироб чекди. Наилож, бунга ўзи айбдор! Ўзи Асқарни илҳақ бўлиб кутди. Ўзи унга хуфёна мактублар йўллади. Энди бўлса, сассиз тўрт девор ичида ҳўнграб ўтирибди.

Ҳаётнинг ўйинлари ниҳоятда ранго-ранг. Кимдир бахтидан қониб яшаса, яна кимдир дунёга бевақт келганидан, яралганидан минг бор пушмон бўлиб яшайди. Ана шу кезде Ойсулув ҳам тақдиридан минг пушаймонда.

Йўқ, яна дадиқаларни қувиб кунлар, кунлар ортидан ойлар ўта бошлади. Бу эса Ойсулув билан Асқар муносабатини янада чуқурлаштирди. Улар мактабда ўзларини сирдош эмас, гўёки эру хотиндек ҳис этишарди. Бу жипслашув, ўзаро яқинлик кўпга бормади. Уларнинг Ғарибу Шоҳсанам мисол бахтдан масрур кунларининг бирида мактабга Асқарнинг хотини Мактуба келиб қолди.

– Қани у эрсираган манжалақи? Унга бутун Карманада эр қуриган эканми, мени эримга ёпишади? Нима, иккита боламга оналик қиларканми ёки эримни мендан яхшироқ ювиб-тарарканми? – дея жанжал кўтарди Мактуба.

Бу жанжалдан мактаб шовқин-суронга тўлиб кетди. Нафақат ўқитувчилар, балки ўқувчиларнинг тилида ҳам Ойсулув ва Асқар машмашаси, ҳар икки «устозу шогирд»нинг миш-миши! Шушу Асқар билан беш йил турмуш қурган Мактуба фарзандлари Рухсора билан Асадбекни олиб, онасиникига кетиб қолди. Бу орада туман халқ таълими, маҳалла кўй аралашуви билан ҳар икки севишган мактабдан ҳайдалди. Энди улар бош кўтариб юролмас, одамлар кўзига қаролмас эдилар. Нурафшон, мунаввар кечалардаги қайноқ учрашувларга, шаҳардаги хуфия айшу ишратларга барҳам берилди.

Бир сафар Ойсулув Асқарни Карманадаги бозорда учратиб қолди ва Асқарнинг хатларини, номардлигини рўйи-рост юзига солди.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/1900> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1900> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/1900>